*2021 йил —Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили*

*Ҳикмат: мақсад бўлса, мамнун яшайсан!*

# ШЕРОБОД ҲАЁТИ



*Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги нашри*

*2021 йил 21 январь, № 1 (8293) Пайшанба. Электрон почта: sherobod_gazeta@inbox.uz —Газета 1932 йилдан чиқа бошлаган*





**Ортимда бир Ватан -кўзу қароғим, осуда тунларим, унда қувончим.**
**Қоямиз юрт учун гоҳо туну-кун, ғудаклар шодлансин шудир тилаклар**

## МИЛЛИЙ АРМИЯМ —МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОН

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида энг юксак талабларга жавоб берадиган, юртимиз ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолатимизнинг Миллий армияси бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Чақирув йилига бир марта ташкил қилинадиган бўлди. Миллий армия сафида шартнома бўйича ҳарбий хизмат тури жорий этилди. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат йўлга қўйилди. Булар, ўз навбатида, мудофаа салоҳиятимизни оширишда муҳим омил бўлди.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларимизданоқ, узоқни кўзлаб юритилган оқилона сиёсат, жумладан, Ватанимизни ишончли ҳимоя қилиш мақсадида миллий армияни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли бугун барчамиз бебаҳо неъматдан баҳра олаяпмиз. Сизу-бизнинг бугунги осуда ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан муносиб ҳимоя қилинаётган экан, бу шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган мард ва жасур фарзандларимиз ҳар қанча эъзозга, эътиборга лойиқдир. Замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ҳамда мавжудларини реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ана шу мақсадга қаратилган. Ҳозирги кунда кўплаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлиги натижасида шинам, барча қулайликларга эга бўлган замонавий хонадонларга эга бўлди.

Дарҳақиқат, юртимиз мудофаа тизимидаги ҳар бир буғин замонавий асосда шакллантирилган. Жумладан, сафарбарлик чақируви резерви батальониларидаги қулайликлар ҳам барча талабга тўла жавоб беради. Бугунги кун ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликка, балки юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида маънавий-руҳий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, ахборот-компьютер технологияларининг сир-асрорларини пухта билишни тақоза этади.

Шу маънода, офицер ва сержантларнинг самарали фаолият кўрсатиши, аскарларнинг тўлақонли машғулот ўташлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Таъкидлаш жоизки, миллий армиямиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилмокда.

Эътиборлиси, уларда иштирок этаётган ёшларимиз Қуролли кучларимиз сафида хизмат қилишни қатъий мақсадга айлантирганини билдирса, ота-оналар фарзандлари қалбида юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкам эканидан ғурурланадилар.

Буни бугунги кунга келиб, ёшларимиз орасида ҳарбийлик касбини эгаллашга қизиқиш ниҳоятда ортиб бораётганлигидан ҳам яққол билиб олса бўлади. Ёшлардаги бундай азму-шижоат кекса авлод вакилларини ҳам беҳад қувонтирмокда.

Куни-кеча Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда 14 январь -Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан туманимизда ҳам қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Шу муносабат билан «Хотира майдонида» туман ҳокимлиги, туман мудофаа бўлими ҳарбий зобит ва аскарлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тадбир ўтказилди. Шундан сўнг, «Хотира майдони»даги мотамсаро «Она ҳайкали» пойига гулчамбарлар қўйилди ва ҳарбий техникалар кўргазмаси намойиш этилди.

Худди ана шундай маданий-маърифий тадбир туманнинг тоғли «Пошхурт» маҳалласи ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам тантанаворлик ва кўтаринки кайфиятда шукуҳли тарзда ўтказилди.

Мухтасар айтганда, ҳар томонлама етук, жасур ва сергак ўғлонларимиз азму-шижоатини кўрганда, кўнглимиз фахру-ифтихорга тўлади.

Зеро, Ватанига, халқига садоқатли йигитлар хизмат қилаётган профессионал армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ҳамда фаровон ҳаётимининг ишончли қалқонидир.

Демак, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича қилинаётган улкан ишлар ҳамиша давомли бўлаверади.

**Фарҳоджон ДАВЛАТОВ,**
**ҳарбий қисм командири,**
**подполковник**

## Шеробод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

*7 январь 2021 йил, № Қ-3, Шеробод тумани*

Тумандаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

"Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддаси ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1.Туман "Йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тумандаги аҳоли пунктлари кўчалари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Махмадияров, туман "Йўллардан фойдаланиш" унитар корхонаси (Н.Абдулахатов), туман ободонлаштириш бошқармаси (Ж.Расулов) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги йўлларни сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб борсинлар.

3.Мазкур қарор "Шеробод ҳаёти" газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг ўринбосари Н.Махмадияров, туман ободонлаштириш бошқармаси (Ж.Расулов) ва функционал вазифаларига кўра йўл соҳасига, тартиб ижросига масъул бўлган бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилсин.

**З.ДАВЛАТОВ,**
**Шеробод туман ҳокими**

### 2020 йил 28 декабрь, № VI–22/121, Шеробод тумани

Халқ депутатлари туман Кенгашининг 20-Бўстон сайлов округидан, депутат Амиров Алишер Хуррамовичнинг депутатлик ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги қонунининг 2-моддаси, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 44-моддаси, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби бўйича доимий комиссиясининг 2020 йил 15 декабрдаги 1-сонли қарорига асосан халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Халқ депутатлари туман Кенгашининг 20-Бўстон сайлов округидан, депутат Амиров Алишер Хуррамовичнинг депутатлик ваколати муддатидан олдин тугатилсин.

2.Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига қонунда белгиланган тартибда сайлов ўтказиш топширилсин.

3.Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Абдузоир ЧОРИЕВ,**
**сессия раиси**

### 2020 йил 28 декабрь, № VI–22/122, Шеробод тумани

Халқ депутатлари туман Кенгашининг бўшаб қолган ўрнига янги депутат сайловини ўтказиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 44-моддасига асосан халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Халқ депутатлари туман Кенгашининг 20-Бўстон сайлов округидан бўшаб қолган ўрнига янги депутат сайловини ўтказиш 2021 йилнинг 24 январь, якшанба кунига белгилансин.

2.Шеробод тумани ҳокимлигига бўшаб қолган ўрнига янги депутат сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3.Туман молия бўлимига сайловни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни туман бюджети ҳисобидан қоплаш вазифаси топширилсин.

4.Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўрнига янги депутат сайловини ўтказиш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилсин.

5.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳига юклатилсин.

**Абдузоир ЧОРИЕВ,**
**сессия раиси**

## ТУМАН КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ XXIII-СЕССИЯСИ

Туман ҳокимлиги мажлислар залида халқ депутатлари Шеробод туман Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими ўринбосарлари, тумандан халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган депутатлар, туман Кенгаши депутатлари, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари қатнашдилар. Дастлаб туман ҳокими З.Давлатовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар тўғрисидаги маърузаси тингланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шеробод туманидаги Халқ қабулхонаси мудири А.Жўраевнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги 2019 йил 17 январдаги 5633-сонли Фармонининг тумандаги ижроси юзасидан ахбороти, Шеробод туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири У.Чориевнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудирининг секторлар ва ташкилотлар раҳбарларининг тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича фаолияти юзасидан ахбороти, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2020 йил давомида амалга оширилган муайян ишлар тўғрисидаги туман прокурори Б.Юнусовнинг ахбороти, туман ички ишлар бўлими бошлиғи Ш.Алламуродовнинг жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан 2020 йил давомида амалга оширилган муайян ишлари тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида, шунингдек, Шеробод туманлараро иқтисодий судининг-суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, жумладан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти юзасидан Шеробод туманлараро иқтисодий суди раиси А.Мамараимов ҳамда фуқаролик суди раиси Жасур Ибодуллаевларнинг ахборотлари тингланди.

Сессияда Олий Мажлис Сенати аъзоси Бахтигул Бўтаева иштирок этди ва якунда халқ депутатлари олдида турган муҳим масалалар юзасидан сўз юритди.

Шу билан Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгашининг XXIII-сессияси ўз ишини якунлади.

**Эркин ТЎРАНАЗАРОВ,**
**журналист**

*Муносабат ва мулоҳаза*

## ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

**Турғун МИРЗАЕВ,**
**«Миллий тикланиш» демократик партияси Шеробод туман Кенгаш раиси, Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши котибияти мудири, туман Кенгаши депутати**

Ўтган йилнинг 29 декабрь куни халқимиз Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва халққа Мурожаатномасини катта ҳаяжон ва диққат-эътибор билан тингладилар. Айтиш лозимки, ушбу Мурожаатномани халқимиз интиқ бўлиб кутаётган эди. Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатнома том маънода муҳим тарихий чиқиш бўлди, десак тўғри бўлади. Чунки мазкур Мурожаатномада Давлатимиз раҳбари жамият ҳаётининг барча жабҳаларига оид масалаларни ниҳоятда синчковлик билан таҳлил қилиб, кириб келаётган янги 2021 йилда амалга ошириладиган ишларнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Айниқса, 2021 йил Давлатимиз раҳбари томонидан **"Ёшларни қўллаб-кувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"** деб номланганлиги биз ёшларни янги яратувчанлик ишларига илҳомлантиради. Биз, ЎзМТДП Шеробод туман Кенгаши аъзолари мазкур Мурожаатномани диққат билан тинглаб ва ўрганиб, ўзимизнинг истиқболдаги фаолиятимиз йўналишларига тузатишлар киритиб олдик. Ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим.

Юртбошимизнинг, Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, аввалambor, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам, боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача- таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик», деган сўзлари бугун мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мавқеи ва кўламини яққол намоён этади. Давлатимиз раҳбарининг, -«Энг катта бойлик -бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос -бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик -бу билимсизликдир!», -деган сўзларини эшитганимда, демак, бугунимиз ва эртамиз фақат билимли ёшлар қўлида бўлади, деган гапга яна бир бора амин бўлдим.

Рақамли технологиялар борасида гапириб, Давлатимиз раҳбари маҳсулот ва хизматлар сифатини оширишда, коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали восита эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланаётган ёшларни иш ва уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиши бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга катта туртки бўлади, деб ўйлайман. 2021 йилда хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилиши борасида айтилди ва 5,5 минг нафардан ортиқ хотин-қизларнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши белгилаб берилди. Шунингдек, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарурлиги таъкидланиб, бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортиши, уларда кўпроқ даромад олишга интилиш кучайиши борасида гапирилди.

Ушбу Мурожаатномани фахр ва ифтихор билан учинчи Ренессанснинг ўзига хос дастури, "Йўл харитаси" бўлди, деб айта оламиз.





## ВАКОЛАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

«Янги Ўзбекистон-янги сайловлар» шиори остида 2019 йилда парламентнинг қуйи палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлиб ўтган сайловдан кейин вакиллик ҳокимияти имкониятлари, ваколатлари кенгайди. Қонунчиликка жуда муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Президентимиз депутатлар, халқ вакиллари билан бамаслаҳат иш тутиш, уларнинг таклифларини тинглаб, қўллаб-қувватлаш бўйича республика ва маҳаллий даражадаги раҳбарларга алоҳида ибрат кўрсатмоқда. Бу маҳаллий кенгашлар фаолиятига илғор демократик тамойиллар жорий этилиши, депутатлар орқали маҳаллий ҳокимликлар ва ўша ҳудудлардаги аҳоли ўртасида амалий мулоқотда долзарб аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси **«давлат халқ учун хизмат қилиши шарт»** деган стратегик вазифа рўёбга чиқишига асос бўлади.

Қайд этиш лозимки, 2020 йил мураккаб синовларни енгиб ўтиш билан бирга Ўзбекистон давлатчилигига илғор демократик тажриба, тартиб-тамойилларни жорий этиш йили ҳам бўлиб тарих зарварақларидан муносиб жой олди.

Мустақилликнинг 30 йиллик тантаналари олдидан илгари сурилган «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» ғояси жамиятнинг барча қатламлари ўртасида ҳамжиҳатлик, хайрихоҳлик муҳитини кучайтирмоқда. Шуларга таяниб, кириб келган 2021 йил -халқимизнинг қўллаб-қувватлаши, эзгу ниятлари билан янада унумли ва баракали йил бўлишига ишонамиз.

**Парвона НОРМУРОТОВА,**
**туман Кенгаши депутати**

# МАРРАНИ ЯНАДА БАЛАНД ОЛАМИЗ

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасини барча юртдошларимиз қатори мен ҳам жуда катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тинглар эканман, 2021 йилда олдимизда ҳар қачонгидан ҳам зарур, ўта муҳим вазифалар турганини теран ҳис этдим. Давлатимиз раҳбари 2021 йилни мамлакатимизда -«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб эълон қилдилар.

Халқ ва Ватан манфаати йўлидаги ислоҳотларнинг янги сифат босқичига чиқишидан далолат берадиган ўзгаришлар борасидаги фикрлардан ғоят таъсирландим.

Айтишимиз мумкинки, аҳоли саломатлигини саклаш борасида сўнгги тўрт йилда қилинган кенг кўламли ислоҳотлар 2020 йилда, бутун дунё аҳолисига катта ташвишлар келтирган коронавирус пандемияси шароитида қанчалар улкан самара берганлигини барчамиз амалда кўрдик.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан юртимизга коронавирус кириб келмасиданоқ кўрилган жиддий чоралар, профилактик тадбирлар туфайли коронавирус билан курашда мамлакатимиз манаман деган давлатлар эришолмаган натижаларни қайд этди.

Анъанага кўра, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси -Тиббиёт ходимлари куни байрами мамлакатимизда кўтаринки руҳда нишонланиб келинмоқда. Ушбу айём муносабати билан бирлашмамизда ҳам мазкур тадбир кенг нишонланади. Буям Муҳтарам Юртбошимиз томонидан соҳа вакилларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг чинакам ифодасидир.

Зеро, барча соҳа қатори тиббиёт тизими олдида ҳам ғоят мураккаб вазифалар юзага келмоқда. Инсон саломатлиги учун ўзини масъул ва жавобгар деб ҳисоблайдиган ҳар бир тиббиёт ходими билим ва малакасини доимий ошириб бориши, янги технологиялар ҳамда даволаш усулларини ҳар томонлама пухта эгаллаши энг ўткир масалага, ҳаётий заруратга айланмоқда.

Қувонарли жиҳатимиз, бизнинг йўналишда ҳам моддий-техник имкониятлар юқори даражада яхшиланди. Ўйлаймизки, жорий йилда ҳам тиббиёт соҳасидаги ўсиш бундан-да жадал давом этади.

**Шухрат РАҲИМОВ,**
**туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари**

# КАМБАҒАЛЧИЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛИДА

Юртимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида давлат ва жамоат ташкилотлари фуқаролар билан доимий мулоқот ўрнатмоқда. Одамларни қийнаётган масала ва муаммолар тезкор ҳал этилиб, халқимизнинг бугунги ҳаётидан рози бўлиб яшаши таъминланяпти. Энг муҳими, бу тамойил асосида халқимиз, жумладан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар турмуш даражаси ва сифатини ошириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.



Ана шундай муҳим қадам сифатида, сўнгги вақтларда юртимиздаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш, турмуш шароитини яхшилаш борасида қатор манзилли ва мақсадли ишлар бажарилди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ўтган йили 3 та йўналиш бўйича «темир дафтар» юритиш тизими йўлга қўйилган эди. Бунда камбағалликни қисқартириш, аёлларимиз ва ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш ҳисобига уларнинг турмуш даражасини яхшилаш асосий мақсад этиб белгиланган.

Жумладан, туманимизда ўтган йил бошида 2309 нафар камбағал оилалар аниқланиб, «темир дафтар»га киритилган эди. Пандемия даврида яна шунингдек, доимий даромадини йўқотган 1279 оила такрор хатлов натижасида аниқланиб, жами 3508 нафар эҳтиёжманд оилалар «темир дафтар»га киритилди. Ана шу «темир дафтар» га киритилган оилаларга жами 5 миллиард сўмлик ёрдамлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, Муҳтарам Президентимизнинг ПҚ-4815 сонли қарори асосида 1487 нафар оилага кийим-бош олиш учун 1 миллиард, 699 миллион беш юз минг сўмлик маблағ ажратилди. 315 нафар оилага эса сектор раҳбарлари назорати остида амалий ёрдамлар кўрсатилиб келинмоқда.

Айниқса, Янги йил байрами муносабати билан худди шундай эҳтиёжманд оилалардан бир нечасига моддий ёрдам кўрсатганлигимиз нур устига аъло нур бўлди.

«Ғамбур» маҳалласида яшовчи кўп фарзандли оила соҳиби Сирожиддан Турсунов хонадонига 1 бош сигир моддий ёрдами кўрсатилган бўлса, «Катта ҳаёт» маҳалласида яшовчи Алишер Амиров хонадонига 2 сотихлик иссиқхона қуриб берилди. Худди шунингдек, «Чуқуркўл» маҳалласида яшовчи Гулчеҳра Зиёдуллаевага бир бош қорамол, шу маҳаллада яшовчи боқувчисини йўқотган Муниса Нормўминова оиласи учун 2 сотихли иссиқхона қуриб берилди.

Мухтасар айтганда, «темир дафтар» нинг маҳаллалар миқёсида кенг жорий этилиши ва шу орқали камбағалчиликка барҳам берилиши бугунги ишларимизга янгича руҳ олиб кираётганлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Шокир АЛМУРОДОВ,**
**туман иқтисодиёти тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бош мутахассиси**

# ГЕНЕРАЛНИНГ ТАШРИФИ

Туркистон Ҳарбий округи қўмондони, армия генерали Петров Иван Ефимович 1946-1954 йиллар мобайнида икки чақириқ СССР Олий Совети депутатлигига Шеробод сайлов округидан сайланган нуфузли амалдорлардан эди. Ўша пайтлардаги депутат сайлови анъаналарига кўра, номзоднинг меҳнаткаш халқ билан учрашуви ўта дабдабали тарзда ўтказилар, унга республиканинг таниқли санъаткорлари-ю, эл суйган шоиру, ёзувчилари таклиф этилар эди.

Бўлғуси депутатнинг сайловолди учрашувларидан бирига Халқ артисти Ҳалима Носирова ҳам гастроль сафари билан бўлиб, халқ орасида ўзининг хушовоз қўшиқ ва жозибали рақслари билан хушнуд этган эдилар. Бундан айниқса, буюк санъаткорнинг чинакам мухлислари беҳад шодланган ва қувонишган эдилар.

Шу ўринда Туркистон Ҳарбий округи қўмондони ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак:

Петров Иван Ефимович 1886 йилда Брянс вилоятида рус оиласида туғилган. Болалигидан ҳарбий соҳани қунт билан эгаллаган. Ҳарбий махсус курсларда таҳсил олган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Жанубий фронтда ўқчи дивизия командири, Приморъе армияси қўшинлари қўмондони, Кавказорти фронтининг Қора денгиз қўшинлари қўмондони, Ғарбий фронт, Шимолий Кавказ фронти, Украина, Белоруссия қўшинлари қўмондони лавозимларида самарали хизмат қилган.

Ҳарбий саркарда Иван Петровичнинг урушда кўрсатган жасоратлари муносиб тақдирланган. Қаҳрамонлик унвони, Суворов, Кутузов, Меҳнат Қизил байроқ, 5 марта Ленин ордени ва қатор хорижий давлатларнинг нуфузли орденлари соҳиби бўлган.

Армия генерали СССР Олий Совети депутати сифатида Шерободда кўплаб ишларни амалга оширган, туман халқининг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий иқтисодий соҳалардаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, мактаб ва тиббий шифохоналар барпо этишда кўпдан-кўп амалий ёрдамлар кўрсатган.

Бу учрашув ва суҳбатлар ўша давр одамлари хотирасида бир умр муҳрланиб қолган ўчмас хотиралардир.

**Искандар ШОЙМУРОДОВ,**
**истеъфодаги подполковник**

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШЕРОБОД ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

*2021 йил 12 январь № 6-сон Шеробод тумани*

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашлари томонидан Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти туман Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 20-, 90-, 91-92-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Шеробод туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси.

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Шеробод туман Кенгаши депутатлигига номзодлар этиб қуйидагилар рўйхатга олинсин:

**Бўронов Дилмурод Бобомуродович,** 1984 йил 18 февралда туғилган, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси, Шеробод туманидаги 1-сонли касб-ҳунар мактаби кадрлар бўлими инспектори, Шеробод тумани, «Чағатой» маҳалласида яшайди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан.

**Хўжаназаров Шухрат Бекназарович,** 1974 йил 9 сентябрда туғилган, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати -Ўзбекистон Либерал демократик партияси раҳбари, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партияси Шеробод туман Кенгаши аппарти раҳбари, Шеробод тумани, «Қишлоқбозор» маҳалласида яшайди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан.

**Алланазаров Қарши Яхшибоевич,** 1959 йил 10 июлда туғилган, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоси, Вақтинча ишсиз, Шеробод тумани, «Қуллуқшо» маҳалласида яшайди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан.

**Давлатов Зиядулла Ўрокович,** 1974 йил 3 мартда туғилган, Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси, Шеробод туман ҳокими. Шеробод тумани, «Кўргон» маҳалласида яшайди. Ўзбекистон Экологик партиясидан.

**Сафаров Фарход Эшонқулович,** 1968 йил 30 мартда туғилган, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси, Шеробод туман, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассиси, Шеробод тумани, «Мажнунтол» маҳалласида яшайди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан.

2.Сурхондарё вилояти Шеробод туман сайлов комиссияси котиби **Рахимов Отохон Бўриевич,** Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Шеробод туман Кенгаши депутатлигига номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги қарорни маҳаллий матбуотда қонунда белгиланган муддатда эълон қилинишини таъминласин.

**Икром ЖЎРАЕВ,**
**Сурхондарё вилоят Шеробод туман сайлов комиссияси раиси**

# ЮРТ ҲИМОЯСИ-МУҚАДДАС БУРЧ

Ватаннинг яна бир осуда тонги отмоқда. Ана шу осудаликни фақатгина, хўрозларнинг қичқириғи бузади, холос. Ватан кенгликларидан кўкка бўй чўзиб заррин нурларини борлиққа сочаётган қуёш эса замин одамлари қалбига ўзининг илиқ тароватию, тафтини ҳам қўшиб таратаётгандек, гўё...

Саҳар туриб, оила даврасида невара-чеваралар қуршовида дас турхон атрофида жамул-жам бўлиб ўтиришган нуроний отахону-онахонларимиз дуога қўл очар экан, юрт тинчлиги, тараққиёт бардавомлигини тилаб, юзларига фотиҳа тортишади. Чиндан-да, тинчлик-улуғ неъмат. Биргина шу сўз замирида эл-улус омонлиги, халқ фаровонлиги мужассам. Буни йиллар тўзонида заҳмат чеккан, озодлик йўлида курашиб, унинг жароҳатли изларини ажин босган чеҳраларида муҳрлаган кекса авлод вакилларидан-да, билсак бўлади. Урушнинг нақадар аянчли эканини кўзи билан кўрган, бевосита унда иштирок этган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари бўлган отахону-онахонларимиз биздан-да кўпроқ билади, ҳис этади. Бугунги доруломон кунларга шукроналик айтади.

Биз ёш авлод вакилларига тинчликнинг қадрига етишни, уни асраб-авайлашга ундайди. -Илоё, ёмон кунлар бўлмасин, уруш балосини биз кўрдик, сизлар кўрманглар-дея, бот-бот таъкидлайдилар. Бу кексаларимиз замон силсиласининг аччиқ қисматидан тобланган, юртнинг тинчлиги, унинг фаровонлиги йўлида ёвга қарши жон бериб, жон талашиб, доимо Ватан туғуни баланд кўтаришган.

Дарҳақиқат, Ватан бу бобомерос. Уни асрамоқ, ҳар қарич ерини кўзларга тўтиё айламоқ, муқаддас бурчимиздир. Аждодларга муносиб бугунги Ватан ўғлонлари сарҳадларимиз даҳлсизлиги юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш йўлида камарбастадир.



Мустаҳкам мудофаа салоҳиятига эга бўлган бугунги миллий армиямиз сафларида касбига фидойи бўлган аскару-сержантлар ва офицерлар елкасидаги залворли ва машаққатли хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармоқдалар. Улар туну-кун сергак ва ҳушёр, огоҳ ҳолда қўрғонларимизни ҳимоя қилиб қўриқлашмоқда. Айниқса, Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари сафларида «Элига қалқон-юртига посбон» алпқомат, мард, жасур ҳарбийларимизнинг хизматлари бениҳоя катта. Улар Ватан остонасининг илк чизиқларида туриб, юрт кенгликларини ҳимоя қилишмоқда.

Бугун Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм фаолиятига назар ташлар эканмиз, ўтган йиллар давомида ҳарбий қисмда тартиб интизом мустаҳкам йўлга қўйилиб, ҳар бир вазифа ва топшириқ ўз вақтида бажарилиши, аскар ва зобитларнинг ҳар томонлама, кенг билим ва тафаккурга, юксак касбий ва маърифий-ахлоқий фазилатларга эга замонавий фикрлайдиган, жанговар ҳаракатларда ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Чегара олди ҳудуд аҳоли пунктларида ҳушёрлик ва огоҳлик масалаларига жиддий эътибор қаратилиб, ички ишлар, ҳарбий прокуратура, ҳокимлик, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида ҳарбий қисм турли тадбирларда муносиб иштирок этиб, бир қатор муваффақиятларга эришганини ҳам таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, турли хил мусобақаларда ҳам салмоқли натижаларга эришиб келинаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир.

**Сайдулла ШОБЕРДИЕВ,**
**ДХХ чеғара қўшинлари хизматчиси**

# ЮРТИМ ҲИМОЯСИ— МУҚАДДАС БУРЧ

Рамазон ака Бўриев ҳозирда умр фаслларининг етмишинчи баҳорига қадам қўйди. Кексалик дамларининг энг тотли онларини оиласи, яқинлари ардоғида шоду-хуррамликда ўтказаётган отахон барча қатори телевизор қаршисида дунё воқеаларидан ҳар куни бохабар бўлиб боради. Дунёда кечаётган жараёнларни, хусусан, ҳамон қора шарпалар оралаб уруш оловини ёқаётган ёвуз ниятли кимсаларнинг қилмишлари акс эттирилган лавҳаларни кўрганида эса отахон қалбида йигитлик давридаги бошидан ўтказган жангу-жадаллардаги хотиралари қайта жонланаверади.

Ҳа, Рамазон ака собиқ иттифоқ давридаги Афғон уруши иштирокчиси. Барча тенгдошлари қатори ўрта мактабни тамомлагач, аскарлик кийимида бўлиб, Ватан ҳимояси ва юрт равнақи йўлида хизмат қилишни дилига тугиб юрди. Даврнинг тақозаси биланми, шерободлик тенгкурлари Азамат Турманов, Райим Алиқулов, Ўктам Янгибоев, Зоир Зокировлар билан биргаликда Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида ҳарбий хизматда бўлади. Ўз бошидан жуда оғир пайтларни ўтказиб, бу қийинчиликларни енгиб ўтишга мустаҳкам куч ва қалқон бўлган манба-бу Рамазон ака учун ундаги Ватан соғинчи ва яқинлари билан кўришиш онларига ишонч ҳиссининг устунлиги эди.



Рамазон ака икки йил ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, узоқ йиллар шофёрлик касбида баракали меҳнат қилиб келди. Уч фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Улар ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланиб, халқимиз хизматида бўлиб келяпти.

-Инсон ҳаёт қийинчиликларини сабр ва бардош, интилиш ва қўрқмасдан енгиб ўтса, ўз умр йўлларини ўзида қониқиш ҳисси билан мазмунли ўтказиб бораверади, -дейди Рамазон бобо. – Тинчлик-бу энг олий неъмат. Унинг нақадар улуғлиги эзгуликка йўғрилган қалб эгалари бўлмиш юртдошларимизнинг кўз қарашларида, азму-шижоатларида, шукроналикларида балқиб турибди. Мен ҳамиша ўзаро суҳбатларда, яқинларим, айниқса, невараларим даврасида бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш қалб амрига, кўникмасига айланиши кераклиги ва бунга истаганча асослар етарли эканлигини айтиб боришдан ўзимда асло чарчоқ, толиқиш сезмайман.

Зеро, бугунги ёшлар Ватан ҳимояси йўлида ҳамиша ўзларида ҳушёрлик ва огоҳлик ҳисси билан ўз яшаш тарзида шижоаткор бўлса, юртимизда ҳамиша тинчлик ҳукм сураверади.

**Дилшода ТУРДИЕВА,**
**1-сонли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси**

# КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР НИГОҲИДА




Мактаб таълим тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши ҳақида Конституциямизнинг 41-моддасида белгилаб қўйилган. Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилган. Бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили анъанавий тарзда 20-ноябрдан 20-декабргача ҳуқуқий тарғибот ойлиги ташкил этилади. Бош қомусимизнинг моҳиятини очиб беришга ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий-маърифий интеллектуал мусобақалар, ижодий кечалар уюштирилади. Шундай маданий тадбирлардан бири туманимиздаги 46-сонли мактабнинг ўқувчи ёшлари ўртасида бўлиб ўтди. Айниқса, 3-синф ўқувчиларининг «Конституция- келажагимиз пойдевори» шиори остида чиқишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида ўқувчиларнинг Конуституциямиз моддаларини саҳна кўринишлари асосида ёритиб берганликлари уларнинг нечоғлик асосий қонунларимизнинг мазмун ва моҳиятини ўрганганликларидан дарак беради. Ундан ташқари, «Темур тузуклари» салтанат Конституцияси мақомида бўлганлиги ҳақида берган маълумотлари алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Негаки, қайси бир халқ ёки миллатнинг давлатчилик маданият тамаддуни моҳиятини чуқур илдизларига бориб тақалса, ўша халқнинг миллий қадриятлари қонунчилик асослари аҳоли ва урф-одатлари ҳам шунча қадимийлик заминига эга бўлади, бу эса мазкур миллатнинг жаҳон халқлари цивилизациядаги ўрни ва мавқейини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция давлатнинг қиёфаси ва нуфузини белгилаб беради. Айнан шу жиҳатдан оладиган бўлсак, келажак авлодларнинг билим салоҳияти, ҳуқуқий саводхонлиги қонунларимиз устворлигини таъминлаши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, келажагимиз пойдевори ёшларимиз нигоҳида қанчалик сайқаланса, турмушимиз ҳам шунчалик фаровон бўлади. Зеро, айнан қомусимиз ҳам жамиятимизнинг мустаҳкам пойдеворидирр.

**Ҳамида УМБАРОВА,**
**46-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси**

# ИЛМЛИ ЁШЛАР-ЮРТ РАВНАҚИ

Тарихдан маълумки, барча буюк давлатларда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, айнан жисмонан соғлом ва ақлан салоҳиятли ёшлар ўз юртининг кудрати ва равнақига замин яратади. Ҳар бир ота-она ҳам ўз навбатида фарзандининг истиқболи, бахт-саодати ва келажакда мустақил ҳаёт кечириб, жисмоний, маънавий ва руҳий жиҳатдан баркамол авлод бўлиб етишишини ният қилади. Шундай экан, ота-она ўз фарзандининг ёшлик чоғини мазмунли, намунали, фойдали ишлар ва савобли амаллар билан ўтказишига ёрдамчи бўлмоғи лозим. Бу ҳақда Оллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Эй имон келтирганлар! Ўзларингизни ва оила аъзоларингизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангиз» (Таҳрим сураси, 6-оят).

Динимизда ёшларни асосан ростгўйлик, ваъдага вафо, омонатдорлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ўзгаларга меҳроқибатли бўлиш каби фазилатлар соҳиби қилиб вояга етказишга катта аҳамият қаратилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилдилар:

«Киши ўз фарзандини тарбия қилиб, бир нарса ўргатиши-бир соъни садақа қилишидан яхшироқдир» (Имом Термизий ривоятлари). (Бир соъ тақрибан, икки кг майизнинг қийматига тенг бўлади.)

Ёшлик даврининг эътиборга молик жиҳатлари жуда кўп. Ўспиринлик вақти инсоннинг феълатвори ва руҳияти шаклланадиган асосий давр бўлиб, айни шу даврда уларга алоҳида аҳамият қаратмоқ лозим. Жумладан, ёшларни аҳли солиҳ кишилар билан дўсту биродар бўлишларини таъминлаш зарур. Пайғамбаримиз алайҳи васаллам ҳадиси шарифларининг бирида шундай деганлар:

«Яхши ҳамсуҳбат билан ёмон ҳамсуҳбатнинг мисоли мушки анбар сотувчи билан темирчининг босқонига ўхшайди. Мушки анбар сотувчи атридан совға қилиши ёки ундан сотиб олишингиз, ҳеч бўлмаса, унинг хушбўйидан баҳра олишингиз мумкин. Аммо темирчининг босқони эса, ё кийимингизни куйдиради, ҳеч бўлмаса, тутуни димоғингизни ачитади» (Имом Бухорий ривоятлари).

Бугунги кун ёшларига жуда кўп имкониятлар яратиб берилган. Ёшларимиз бу имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдаланишлари лозим. Лекин минг афсуслар бўлсинки, баъзиларнинг фарзандлари, хусусан, мактаб ёшидаги йигитлар вақтларининг аксарини интернет компьютер ўйинлари (playstation) клубларида ҳар хил ножўя ўйин ўйнаб, инсоннинг қалби ва имонига зарар келтирадиган расм ва видеоларни томоша қилиб ва тўғри йўлдан адаштирувчи нотаниш кишилар билан суҳбат ўтказиб, умрларининг олтин даврини зое қилмоқдалар.

Шунингдек, баъзи оилаларда фарзанд тарбияси тўлиғича телевизор ёки телефон аппаратларига топшириб қўйилган. Уларнинг фарзандларини ўзлари эмас, балки, ўша техник жиҳозлар «тарбияламоқда». Ҳар бир ота болалари тарбияси учун жавобгар эканини унутмаслигимиз ва охиратда бу ҳақда айнан ота сўралишини ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

14 январь юртимизда -Ватан ҳимоячилари куни сифатида нишонланади. Дарҳақиқат, Ватан-муқаддас макон. Уни ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, унинг равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш-ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Ватан сарҳадлари даҳлсизлигини таъминлаш, юрт шаъни ва ор-номусини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш шу заминда яшаётган ҳар бир имонли, эътиқодли ва ихлосли фарзанднинг муқаддас бурчидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тинчликни сақлаш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда миллий армиямизнинг алоҳида ўрни бор.

Динимизда Ватанни ҳимоя қилиш, ишига ўзини бахшида этиш энг улуғ, савобли амаллардан эканлиги айтилган. Киндик қони тўкилган Ватанни, шу мустақил юртни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш- ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

**Сирожиддин БЎРИЕВ,**
**«Шеробод жоме» масжиди бош имом хатиби вазифасини бажарувчиси**

# ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 декабрь кунидаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига асосан «Ватанпарварлик» ойлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июнь кунидаги «Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4375-сонли қарорларига асосан Шеробод туман мудофаа ишлари бўлими ҳамда Шеробод гарнизонида жойлашган 49509-сонли ҳарбий қисмнинг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ҳамда тумандаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда 2020 йил 15 декабрдан 2021 йил 15 январигача «Ким Ватанга содиқ бўлса, мендурман ўша» шиори остида «Ватанпарварлик» ойлиги ўтказилиб келинди.

Ватанпарварлик ойлигида Шеробод тумани мудофаа ишлари бўлими, Шеробод гарнизонида жойлашган 49509-сонли ҳарбий қисмнинг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ҳамда тумандаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Шеробод туманида жойлашган умумтаълим мактабларининг ўқувчи ёшлари ҳамда тумандаги маҳалла фуқаролари йиғинларида истиқомат қилувчи уюшмаган ёшлар билан тадбирлар ташкил қилинди.

Ёшларга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон қарори иловасида қайд қилинган ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси талаблари, яъни, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ва асосий вазифалари, хусусан, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мақсади ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан алоқадор бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, тинч ва ҳарбий шароитда Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқи тақдири учун юксак масъулият ва жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни шакллантиришдан иборатлиги тарғиб қилинди.

Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий вазифалари ҳисобланиши атрофлича тушунтириб борилди.

Ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканини чуқур сингдириш, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, жонажон Ватанимизнинг мустақиллиги ва равнақи йўлида фидокорона курашган миллий қаҳрамонларимиз билан фахрланиш, уларга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш;

Миллий армиямизга жисмонан бақувват ва маънан етук ёшлар зарурлиги, ҳарбий хизмат ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун муқаддас бурч экани ҳақидаги тушунчани ҳамда бу борадаги назарий-амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш;

Ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини мустаҳкамлаш;

Ёшларда ён-атрофимиз ва жаҳонда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашиш кўникмаларини, турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

Ҳар қандай мураккаб вазиятларда тезкор ва мустақил қарор қабул қилиш, замонавий ҳарбий-техника воситаларидан самарали фойдаланиш малакасига эга ёшларни тарбиялаш;

Ўзбекистон манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки, ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриш, юрт учун фидойи бўлиш бу бугунги кун талаби эканини ҳаётий мисоллар ва таъсирчан воситалар орқали ёшлар онгига сингдириб боришдан иборатдир.

Уюшган ва уюшмаган ёшларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олиб борилаётган сиёсатлар, аскарлар, сержантлар ва офицерларга яратилган шарт-шароитлар, замонавий қурол-аслаҳалар билан таништириш тадбирлари намунали тарзда олиб борилди.

**С.ҲАМДАМОВ,**
**Шеробод туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, майор**

# ЎЗБЕК ҲАРБИЙ САНЪАТИ ТАРИХИ



Сўнгги йилларда Ўзбекистонда профессионал армияни шакллантириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Ҳар қандай агрессияга қарши тура оладиган, замонавий қурол-яроқлар билан тўлиқ таъминланган қудратли армия республикамиз мустақил тараққиёти кафолатларидан биридир. Бу жараёнларни амалга оширишда тарих сабоқларига мурожаат қилиш, ўтмишда халқимиз ҳарбий санъатида катта ўрин тутган илғор анъаналарни ўрганиш ва керакли сабоқлар чиқариш катта амалий аҳамиятга эгадир. Ўзбек халқининг ҳарбий санъати қадимги аждодларимиз -сак-массагетлар, бақтрияликлар, хоразмликлар, сўғдлар ва паркона (фарғона)ликлар давридаёқ қадимги Шарқ дунёсида донг таратганлиги маълум. Дунё ҳарбий санъати тарихида катта ўрин тутган Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Муқанна, Темур Малик ва Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва Абдуллахонлардек буюк саркардалар бизнинг заминимизда яшаб ўтдилар. Айниқса, буюк бобомиз Амир Темур асос солган ҳарбий санъат, нафақат Шарқ дунёси, балки Европа халқлари ҳарбий санъати ривожида ҳам катта аҳамият касб этади. Бу фикрлар халқимиз ҳарбий санъати тарихини ўрганишнинг аҳамиятини ва долзарблигини янада оширади.

Тарихий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, айнан шу даврларда Ўрта Осиёда яшовчи кўчманчи халқлар томонидан қўлланилган ҳарбий тактика тарих саҳнасига чиқди. Бу тактиканинг моҳияти шундан иборат эдики, кўчманчи қабилаларда ўзларидан ҳарбий жиҳатдан устун бўлган мунтазам қўшинларга қарши курашда ўзини саросимага тушгандек кўрсатиб, орқадан таъқиб қилган душман қўшинини ўз орқасидан эргаштириб, саҳроларга, даштлар ёки ўзлари жанг қилиш қулай бўлган текислик жойга олиб чиқиш ва пистирмада турган қўшинлар ёрдамида қириб ташлаш усули кенг тарқалган. Бу усул Ўрта Осиё халқлари томонидан даврлар ўтиши билан такомиллаштирилиб борилди ва қадимги давр ва ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари ўз душманларига қарши қўллаган самарали жанг усулларидан бирига айланди. Бу усулни биз Александр Македонскийга қарши курашган Спитамен олиб борган жанглар даврида ҳам кўрамиз. Парфияликлар милоддан аввал 53-йилда таниқли лашкарбоши Красс бошчилигидаги Рим қўшинларини айнан шу ҳарбий тактикани қўллаб енгишга муваффақ бўлган эди.

Кейинчалик Амир Темур томонидан қўлланилган ҳарбий тактикада ҳам, қадим аждодларимизнинг жанг усулларини кўрамиз. Мутахассислар фикрича, бундай жанг усули Осиёнинг бепоён саҳроларида олиб бориладиган урушлар пайтида ниҳоятда самарали бўлган. Порхнинг ихтиро қилиниши, ўқотар қуролларнинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши даврига келибгина бундай усулда жанг қилиш ўзининг самарасини йўқотади.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, ўзига хос жанг қилиш анъаналарига эга бўлган Ўрта Осиё халқлари ўз ҳарбий санъатининг кўпгина томонлари билан рақибларидан устун турган. Ўрта Осиё ҳудудига четдан қилинган ҳарбий босқинлар ва бу ернинг истило этилиши Ўрта Осиё халқлари ҳарбий санъатининг босқинчилар ҳарбий санъатидан паст бўлганлигидан эмас, балки босқинчи кучларга қарши курашда ягона сиёсий раҳбарликнинг бўлмаганлиги, сиёсий тарқоқлик ва ўзаро иттифоқнинг йўқлиги сабабли содир бўлган. Ўрта осиёликларнинг ҳарбий қобилиятларига аҳмонийлар ҳам, юнон-македонлар ҳам, ўрта аср даврларида араб ва мўғуллар ҳам тан беришган эди. Ҳатто, XIX-асрнинг 2-ярмидаги Россия босқини даврида ҳам замонавий қуролланган рус армиясига қарши олиб борилган жанглар юқоридаги фикрларни тўғрилигини кўрсатади.

Ўзбек халқи ҳарбий санъати тарихида энг ёрқин из қолдирган лашкарбошилардан бири, шубҳасиз, Амир Темурдир. Унинг даврида улкан Марказий Осиё минтақасида асрлар давомида шаклланган ва ривожланиб келган жанг олиб бориш санъати янада такомиллаштирилиб, ўрта асрлар даври учун энг мукаммал даражага етказилди. Амир Темур қўшинлари тузилиши ва бошқаруви тартиблари Чингизхон армияси тузилишига яқин турса-да, лекин ўз моҳияти билан Амир Темур қўшини олиб борган урушлар Чингизхон армиясидан фарқли равишда улкан Осиё қитъасидаги ўзаро урушларга чек қўйиш, марказлашган ҳокимият барпо этиш ва уни адолатли бошқаришга хизмат қилган эди.

Амир Темур қўшинлари пиёда ва отлиқ қисмлардан ташкил топган эди. Узоқ ўлкаларга қилинадиган ҳарбий юришлар даврида пиёда қўшинлар ҳам отлар билан таъминланиб, отлиқ қўшинлар эса зарурат бўлганда пиёда жанг қилишга ҳам ўргатилар эди. Мутахассислар фикрича, отлиқ қисм ҳам ўз навбатида 2 қисмдан -енгил қуролланган ва оғир қуролланган бўлимлардан ташкил топган эди.

Амир Темур ўз қўшинини ташкил этишда ўша давр ҳарбий санъати соҳасида тўпланган бой тажрибалардан самарали фойдаланганлигини кўрамиз.

Амир Темур асос солган ҳарбий санъат анъаналари унинг авлодлари даврида ҳам сақлаб қолинди. Амир Темурнинг ҳарбий саркарда сифатидаги фаолиятига келганда, шуни айтиб ўтиш керакки, у ўз даври учун тезкор ва шиддатли, интизомли армия тузишга, уни тажрибали лашкарбошилар билан таъминлашга, жанг пайтида қўшинни санъаткорона бошқаришга, уруш тақдирини ҳал этувчи жойларга кўмак кучларини ўз вақтида усталик билан қўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовлардан тадбиркорлик билан ўтишга эришган буюк саркарда эди. Душман мудофаасини турли усуллар билан яксон қилиш, ғаним мамлакатларнинг марказий ва йирик шаҳарларига қўққисдан кучли зарба бериш, мустаҳкам иншоотларга эга бўлган қалъа, қўрғон ва ҳисорларни узоқ муддат қамал қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг кўламда қуршовга олиш, рақибни таъқиб қилиш каби стратегик режаларни кўзлаб иш юритиш Соҳибқиронга кўплаб ғалабалар олиб келди.

**Шербой ТОШПЎЛАТОВ,**
**65-сонли мактабнинг ЧҚБТ раҳбари, захирадаги катта лейтенант**

## *Бошқа давлатлардан вилоятга келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга доимий яшашга рухсатнома бериш тартиби*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 593-сонли қарори 2021 йил 1 январдан кучга кирди.**

-Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вилоят ҳудудига доимий яшашга рухсатнома бериш тартиби қуйидаги тартибда амалга оширилади:

-Вилоятда доимий яшашга рухсатнома олиш учун бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган манзилдаги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига мурожаат қилади.

-қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс доимий яшашга рухсатнома олиш учун Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

икки нусхада ариза-анкета,

миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати,

35 х 45 мм. ўлчамли иккита фотосурат.

-Вилоятда доимий яшашга рухсатнома берилган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг қариндошлари ҳам ҳужжат топшириши мумкин.

-қариндошлар –ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари бўлган, яъни, ота-она фарзандлари, фарзандлар ота-оналари, бобо ва бувилар неваралари, невералар бобо ва бувилари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига (рўйхатнинг 2-бандига мансуб бўлган) доимий яшашга рухсатнома олиш учун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

-уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги),

-туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Эр (хотин) хотини (эри) доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган (Рўйхатнинг 3-банди) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшашга рухсатнома олиш учун Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

-уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги),

-никоҳ тузилганлиги ҳақида гувоҳнома (агар никоҳ хорижда тузилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

Васийлик ва ҳомийликдаги ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўз васийси (ҳомийси), тутинган ота-онаси доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига доимий яшашга рухсатнома олиш учун Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

-уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд шахсан топшириш имкони бўлмаганда, нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги),

васийлик ёки ҳомийликни ҳамда оилага тарбияга олинган (патронат) тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтарилади).

Доимий яшашга рухсатнома олган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс бошқа давлатлардан келган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудида истиқомат қиладиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтса, унинг турмуш ўртоғининг вилоятда доимий рўйхатга олиниши қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

-Ота-оналари бўлмаган, вояга етмаган, туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар-ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий рўйхатга олинган уй-жой майдонига (Рўйхатнинг 5-банди) доимий яшашга рухсатнома олиш учун Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

-туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (агар фуқаро хорижда туғилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади),

-ота-онасининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома (агар ўлим хорижда расмийлаштирилган бўлса, нусхаси олиниб, асли қайтарилади).

**Бобобек ХУДОЙМУРОДОВ,**
**Шеробод туман Ички ишлар бўлими Миграция ва ФРБ инспектори, кичик сержант**

# ПРОКУРАТУРА АРАЛАШУВИДАН СЎНГ...

Туманимиздаги «Чағатой» маҳалласида яшовчи, фуқаро М.Хўжаевадан Шеробод туман прокуратураси номига мурожаат келиб тушди. Унда шикоят эгаси туман прокуратурасидан бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун собиқ турмуш ўртоғи Х.Тўхтамишовдан алимент пули ундириб беришларини сўраган. Аниқланишича, собиқ эр бир нафар фарзандининг моддий таъминотини таъминламасдан тўловни пайсалга солиб келган. Натижада собиқ турмуш ўртоғи ва фарзанди моддий етишмовчилик туфайли анча азият чеккан ва туман прокуратурасига мурожаат этишга мажбур бўлган.

Ниҳоят, бу ишга туман прокуратураси аралашуви билан ушбу масала қисман ижобий ҳал этилди. Шу пайтгача алимент пули тўловини тўлашдан бўйин товлаб юрган қочоқ ота 3 миллион 433 минг 150 сўм миқдоридаги маблағнинг маълум қисмини ўғлининг таъминоти учун тўлаб берди.

**Р.ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Шеробод туман прокурори ўринбосари**

# ТАБИАТ НЕЪМАТЛАРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ




**Ҳикматулло КАРШИЕВ,**
**Сурхон давлат қўриқхонаси директор ўринбосари**
**Б.БОЙМАМАТОВ,**
**кичик илмий ходим**

Сурхон давлат қўриқхонасида ўсимликлар олами жуда хилма хил бўлиб, улар тоғ ва чўл минтақаларда ўсадиган ўсимликлар сирасига киради.Улар тоғнинг иқлим шароитига мослашган ҳолда ўсиб, ривожланиб боради. Улар тупроқ, иқлим, суви, ҳаво ҳароратига қараб ҳам жой танлаши мумкин. Тоғ минтақаси денгиз сатҳидан 1000-1200 метрдан-2700-2800 метргача бўлган баландликларни ўз бағрига камраб олади. Тоғ тупроғи тўқ қўнғир, қумоқ, тошлоқ тупроқлардан ташкил топган. Таркибида чиринди миқдори ҳар хил бўлиб, баъзи жойларда 2-4 фоизгача, баъзи жойларда унданда юқори бўлиши мумкин. Тоғ минтақасига арчазорлар, бутазорлар, тўқайлар, дарахтлар, ўтлоқлар ва яйловлар киради.

Кундан-кун йўқолиб бораётган ўсимлик турлари жуда кўп бўлиб, булар Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган ўсимликларни маълум қисмини ўзида қамраб олади. Шундай ўсимликлардан “Қизил китоб”га киритилган 41 та ўсимлик Сурхон давлат қўриқхонасида ўсиб, ривожланиб келмоқда. Сурхон давлат қўриқхонасида ўсадиган бошқа хилдаги ўсимликлар ҳам мавжуд бўлиб, булар доривор ўсимликлар сирасига киради. Баъзилари жуда ҳам ноёб ҳисобланади. Тоғнинг бепоён кенгликларида ўсадиган ўсимликлардан бетага, ровоч, тоғ ялпизи, қўнғирбош, баррагул, зирк, ёввойи наъматак, иргай, заранг, учқат, чакамиғ, андиз, шувоқ, айиққулоқ, дала чой, кийик ўтлаəридир. Тоғ пастки текисликларида ёввойи тарзда аччиқ бодом, писта, дўлана, ўрик, ёнғоқ, олча, хандон каби мевали дарахтлар ҳам учрайди.

Сурхон давлат қўриқхонасида йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, ўз кўркини йўқотмай, ҳар доим ям-яшил бўлиб қад кўтариб турган арчазорларга дуч келамиз. Бу арчалар инсон, ҳайвонот ва табиат дунёси ўзгариб кетмаслиги учун жуда муҳим саналади. Арчазорлар ёғингарчилик кўп бўлиши натижасида тупроқларни ювилиб кетишдан сақлайди, ҳаво ҳароратини мўътадиллаштиради. Ҳаводаги зарарли моддаларни ютиб, кислород ишлаб чиқаради. Сурхон давлат қўриқхонасидаги “Қизил китоб”га киритилган ўсимликлардан бири качимсимон этмак (бех) бўйи 30-60 см орасидаги кўп йиллик ўт. Пояси ингичка. Барглари 10-25 мм узунликда, ясси, қалами, тикансиз. Гуллари пушти ранг, поянинг тепасида ёйиқ рўваксимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси кўсаксимон бўлиб, май-август ойларида гуллаб, август-сентябрда меваси етилади.

Республикамизнинг Тошкент, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, Қурама, Чорток, Ҳисор, Кўҳитанг тоғ тизмаларида тарқалган. Денгиз сатҳидан 400-1400 метр баландликда тошли ва шағалли ёнбағирларда ва баъзан ташландиқ ерларда ўсади. Якка-якка ҳолда ёки кичик тўплар ҳосил қилиб ўсади. Бу ўсимлик уруғидан кўпаяди. Саноат хом ашёси ва маҳаллий аҳоли томонидан доривор ўсимлик сифатида кўплаб йиғиб олинади. Этмакдан тўқимачилик, мўйначилик, қандолатчилик саноатларида, табобатчиликда ва кундалик ҳаётда кенг фойдаланилади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, этмакларни уруғидан сочиб, экиладиган майдонларни кенгайтирсак ва табиатда этмакзорлар қайтадан тикланиши мумкин. Шу йўл билан йўқолиб бораётган турини асраб қолиш ўз қўлимизда. Биз инсонлар табиат берган неъматлардан оқилона фойдалансак, бойликларни асраб қолган бўламиз.

## *Шеробод туманида фаолият юритаётган барча корхона ва ташкилот раҳбарлари диққатига!*

2020 йил якуни учун тақдим этиладиган 1-КВ шакли (йиллик) давлат статистик ҳисоботини кичик корхона ва микрофирмалар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналардан ташқари) 2021 йилнинг 26 февралидан кечиктирмай;

1-notijorat shakli (йиллик) нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ), Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим муассасаларидан ташқари) -давлат статистика органларига 2021 йилнинг 15 февралидан кечиктирмай;

-туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим муассасалари йиғма ҳисоботини -давлат статистика органларига давлат статистик ҳисоботини нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ дан ташқари) 2021 йилнинг 15 февралидан кечиктирмай;

-1-FX shakli (йиллик) давлат статистик ҳисоботини фермер хўжаликлари 2021 йилнинг 25 февралидан кечиктирмай;

-1-NNT шакли (йиллик) ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, уюшма (иттифоқ) бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари 2021 йилнинг 2 мартидан кечиктирмай, статистика органларига интернет орқали тақдим этишлари шарт.

Юқорида қайд этилган йиллик ҳисоботларни электрон тақдим этиш бўйича тушунтиришларни давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz ва вилоят статистика бошқармасининг www.surxonstat.uz сайтидан ёки жойлардаги туманлар, шаҳар статистика бўлимларидан олишларингиз мумкин.

Давлат статистика ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри тақдим этган хўжалик, корхона ва ташкилот раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс”нинг 215-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилиши тўғрисида огоҳлантирамиз.

**Шеробод туман статистика бўлими**
**Тел: 94-466-28-05**
**94-518-09-09**
**76-225-67-12**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 710-сонли қарорига асосан аҳолини рўйхатга олиш 2023 йилга кўчирилди.

1987 йилда Ўзбекистонда аҳоли сони 19,8 миллион кишини ташкил этган. 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дастлабки аҳолини рўйхатга олиш 1897 йилда ўтказилган бўлиб, аҳоли сони 3,9 миллион нафарни ташкил этган.

1939 йил 6,3 миллион, 1959 йил 8,1 миллион, 1970 йил 11,8 миллион, 1979 йил 15,4 миллион, 1989 йил 19,8 миллион нафарни ташкил этган.

Шеробод туманидаги 2-сонли мактабни 2019 йилда тамомлаган, фуқаро Рофиев Соҳибжон Толибжон ўғлига берилган U № 0182711 рақамли аттестат йўқолганлиги маълум қилинади.

Шеробод туманидаги 29-сонли мактабни 1996 йилда тамомлаган, фуқаро Хуррамова Муқаддас Эшмўминовнага берилган O`R-C № 0003991 рақамли аттестат йўқолганлиги маълум қилинади.

Шеробод тумани, У.Туропов массиви ҳудудидаги 254, 251, 253, 252, 381 контурлардаги, жами 36,9 гектар ер майдони туман ҳокимлигининг захирасига қайтарилганлиги муносабати билан тендер танловига қўйилади.

Шеробод тумани, «Галагузар» маҳалласида яшовчи, фуқаро Юсупов Элмурод Эшмуродовичга, «Учёгоч» маҳалласида яшовчи, фуқаро Тоғайназаров Бунёд Фарҳод ўғлига Шеробод туман ИИБ томонидан берилган фуқаролик паспортлари йўқолганлиги маълум қилинади.

Шеробод тумани, «Чўйинчи» маҳалласида яшовчи, фуқаро Тўраев Ботир Умаровичга, «Чукуркўл» маҳалласида яшовчи, фуқаро Бобоёров Абдулла Ўроловичга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони йўқолганлиги маълум қилинади.



# ШАХМАТ –АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 14 январида “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4954-сонли қарори қабул қилинди.***

Қарорга кўра, шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) тасдиқланди. Бунда 2025 йилга қадар шахмат билан мунтазам шуғулланувчилар сонини 3 фоизга етказиш назарда тутилган.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб:

150 та умумтаълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш амалиёти кенгайтирилиб, яна қўшимча 150 та мактаб (шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) 10 тадан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 15 тадан мактаб) шахматга ихтисослаштирилади;

тегишли 1000 та умумтаълим мактабида 2-3 ва 4-синф ўқувчиларини “жисмоний тарбия” фани доирасида 18 соатлик режа асосида шахматга ўқитиш йўлга қўйилади ҳамда уларга методик ёрдам кўрсатилади;

қолган барча мактабларнинг 2-3 ва 4-синф ўқувчилари “жисмоний тарбия” фани доирасида шахматга ўқитилади.

2021 йилдан бошлаб ҳар йили бир ой давомида мактабларда “шахмат ойлиги” ташкил этилади.

2021 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

Тошкент шаҳрида Президент соврини учун халқаро шахмат турнири, ўзбекистонлик биринчи халқаро гроссмейстер Г.Т.Агзамов хотирасига бағишланган халқаро турнир, шунингдек, шахмат бўйича XVII-Жаҳон чемпиони Р.М.Қосимжонов халқаро турнири;

## Қонунчиликдаги янгиликлар

Самарқанд шаҳрида “Соҳибқирон кубоги” халқаро шахмат турнири;

Хива шаҳрида “Ал-Беруний” халқаро шахмат турнири;

Бухоро, Термиз ва Хива шаҳарларида “Туризм ва шахмат ҳафталиги” ташкил этилади.

Шунингдек, шахмат мактаблари ва клублари фаолиятига кўмак бериш мақсадида Ўзбекистон шахмат клублари ассоциацияси ташкил этилди.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиалида шахмат бўйича таълим йўналиши очилади.

Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, шахмат бўйича мусобақалар ва турнирларни онлайн ўтказиш платформаси (www.uzchess.uz), шунингдек, таҳсил олаётган ўқувчилар ва талабалар ҳамда ўқитувчилар, тренерлар ва мутахассисларнинг ягона электрон базаси яратилади.

Шунингдек, “Тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш механизмларни жорий этиш тўғрисида”ги ҳукумат қарори (16-сон, 14.01.2021 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 январдан тиббиёт ташкилотларини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш механизми жорий этилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ташкилотларини аккредитациядан ўтказиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида экспертларни сертификатлаш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Қарор билан тиббиёт ташкилотларини ихтиёрий аккредитациядан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Регламентга кўра, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш қуйидаги босқичлардан иборат:

ўзини ўзи баҳолаш ва баҳолаш натижаларини тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизимига киритиш;

жойнинг ўзида ташқи комплекс баҳолаш;

инспекция назорати.

Аккредитациядан ўтиш учун тиббиёт ташкилотлари аккредитацияловчи органга қуйидагилар орқали ариза тақдим этади:

Давлат хизматлари марказлари;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП).

Аризага БҲМ нинг 2 баравари (446 минг сўм) миқдорида тўлов тўланганлиги ҳақидаги квитанция илова қилинади.

Аккредитация гувоҳномасини бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган тақдирда тиббиёт ташкилотига аккредитация стандартларига мувофиқлиги даражасига қараб қуйидаги тоифалар берилиши мумкин:

иккинчи аккредитация тоифаси-стандартларига мувофиқлиги камида 75 фоиз бўлганда;

биринчи аккредитация тоифаси-стандартларига мувофиқлиги камида 85 фоиз бўлганда;

олий аккредитация тоифаси-стандартларига мувофиқлиги камида 95 фоиз бўлганда.

Шунингдек, қарорга кўра 2022 йил 1 январга қадар тиббий хизматлар сифатини бошқариш ахборот тизими ишлаб чиқилади.

**Шеробод туман Адлия бўлими**

# ШЕРОБОДЛИК ШАХМАТЧИ –ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИ

**Гавҳар ИБРАГИМОВА, 21-сонли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси**

***2006 йилнинг 25 апрель куни туманимизнинг «Деҳқонариқ» маҳалласидаги оддий оилаларнинг бирида дунёга келган кенжа қиз фарзандга зўр ният билан, келгуси ҳаётидаги умидлари ўз ижобатини топсин, дея- Умида деб ном қўйишди.***

Йиллар ўтиши билан 21-мактабнинг 1-синфиданоқ илк сабоқларини ола бошлаган қизчанинг ноёб қобилияти, зеҳни ниҳоятда ўткирлиги, спортнинг шахмат туридан тенгқурлари ва ёшига нисбатан анчайин илгарилаб кетганлиги устозларининг эътиборидан четда қолмади. Умида Омонованинг шахмат ўйинидаги тезкор усуллари ва устакорлиги уни туман, вилоят шахмат мусобақаларида қатнашиб, доимо биринчилар сафидан жой олиши томон етаклади. Қизининг ноёб қобилиятига жиддий эътибор қилишни ўзларининг бурчи деб билган Умиданинг ота-онаси унга пойтахтимиз Тошкентдаги зўр шахмат усталарининг сабоқ курсларидан таҳсил олишга шароит яратиб беришди.

Сўнгги уч йил давомидаги унинг чемпион бўлиб танилиши ўзи ва яқинлари, устозлари учун унутилмас кунларни туҳфа қилди. 2018-2020 йилларда Умида бир қанча Европа ва Осиё давлатларида, хусусан, Қозоғистон, Қирғизистон, Испания, Шри-Ланка,



Туркияда 2 марта, Россияда 9 марта, Тайланд, Ҳиндистон, Белоруссия, Хитой давлатларида ғолиблик шоҳсупаларидан муносиб ўрин эгаллади.

Дунё миқёсида ёши бўйича икки карра жаҳон чемпиони бўлиб танилди. 2018 йилда Белоруссияда шахмат бўйича ўтказилган Жаҳон чемпионатида «Блитс» тури бўйича биринчи, «Ррокит» йўналиши бўйича ҳам биринчи бўлиб, 2 карра Жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

13 ёшли шахматчи қиз Умида Омоновага ФИДЕ устаси унвони берилган. Бу эса мамлакат тарихидаги ушбу унвонни қўлга киритган энг ёш спортчидир. Жаҳон шахмат рейтингида ўз ёш тоифаси бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турган шахматчи қизалоқ, ҳозиргача 80 дан ортиқ олтин, кумуш, бронза медаллари соҳибаси бўлиб Сурхон элининг фахри бўлиб танилишга эришди.

# ДИЛАФРУЗНИНГ ЮТУҒИ

Спорт билан мунтазам шуғулланган инсон ўз руҳиятида, иш фаолиятида ҳамиша тетик кайфиятни ҳис қилиб яшайди. Интилиш эса инсонга куч бағишлайди. Шу куч орқали инсон курашиб яшайди. Бу йўл билан ҳар бир инсон чидамлиликка эришади.

Албатта, баъзи инсонлар умри давомида соғлигидан кўп бора азият чекади. Унинг бу борада қийналиши спорт билан мунтазам шугулланмаслигидандир. Соғлом турмуш тарзи спорт билан боглиқ. Спорт инсонга чинакам куч, тетиклик, бақувватлик, шу билан бирга жозибаликни беради. Мунтазам спорт билан шуғулланиш соғлом бўлишга олиб келади. Ҳар қандай ёмон касалликларнинг олдини олади. Ҳар бир Ватанни спорт дунёга танитади. Бунда эса мураббийларнинг хизмати катта. Улар ёш спортчиларга таълим берибгина қолмай, спортнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадилар.

Шундай эл суйган, кўпдан кўп шогирдларини ўз изидан эргаштирган лавҳамиз қаҳрамони стол тенниси мураббийи Дилафруз Исмоиловадир.

Болалик кезларидаёқ спортга меҳр қўйган мураббий Дилафруз опа 2009 йилда Термиз олимпия захиралари коллежини битирган. Тоифаси олий. Ўз устида тинимсиз изланган, спортга меҳр қўйган мураббий Шеробод тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 2010 йилдан буён спортнинг стол тенниси бўйича бош мураббийси вазифасида ишлаб келмоқда. Шу йиллар давомида қўл остида таълим бериб келган кўплаб шогирдлари ғолиблик ўринларини эгаллади. Ютуқлар эса мураббийнинг яхши ишлашидан далолатдир. Ўзбекистонда илк бора спортнинг стол теннис туридан «пара стол» Ўзбекистон чемпионати 2020 йил 24-25 декабрь кунлари бўлиб ўтди. Илк мусобақада Шеробод туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стол тенниси жамоасидан вилоят саралаш босқичидан ўтгач, 1998 йилда туғилган Дилафруз Норхўжаева қатнашиб, фахрли 3-ўринни эгаллаб келди. У Ўзбекистон «пара олимпиада»чилар сафига қабул қилинди. Ҳозирда стол тенниси мураббийси Дилафруз Исмоилова чемпион шогирдлари ва иқтидорли спортчи ёшлар билан бўлғуси мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Шеробод туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт тенниси жамоасида 5 нафар Ўзбекистон чемпионлари ўз устида тинимсиз ишламоқда. Улар 1-сонли мактаб ўқувчиси Мурод-жон Тўраев, 27-сонли мактаб ўқувчиси Шахбоз Жўраев, 16-сонли мактаб ўқувчиси Миркомил Бадалов, 3- сонли мактаб ўқувчиси Ҳабиб Абдураҳмонов, 3-сонли мактаб ўқувчиси Шодиёрбек Азаматовлар спортда ҳам юқори погоналарни забт этиб келмоқда. Улар бу спорт тури билан 2015 йилдан буён шугулланишади. Дилафруз Исмоиловани шогирдлари бир қанча мусобақаларда голиб бўлишган.



Лавҳамиз қаҳрамони Дилафруз опа оилада ҳам доимо спортни болалари руҳиятига сингдириб борган. Фарзандлари ҳам спорт билан доимо шуғулланишади.

-Улар доимо тетик, -дея гап бошлади Дилафруз опа- Уйда ҳам, ишда ҳам спортни канда қилмайман. Шунга болаларимни жалб этганман. Аслида бу ҳаракатим оиламизга улкан бахт олиб келди, десам муболаға бўлмас. Чунки 2019 йил Бухоро ҳамда Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида менинг фарзандларим опа-укалар, яъни, Муроджон Тўраев ва Фарвиза Тўраевалар Ўзбекистон чемпиони бўлиб келишди.

Бизларга Шеробод туман ҳокимлиги томонидан оилавий стол тенниси спортчилари деб эътироф этишиб, 3 хонали уй совға қилишди. Бу эса доимо биз спортчилар оиласига куч бағишлайди.

**Мафтуна АРОМИДДИНОВА**

# ЁШЛАР МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

**Г.АТАМҚУЛОВА, «Баркамол авлод» болалар мактаби технологияларни жорий этиш бўйича директор ўринбосари ФОЛЬКИН, замонавий ахборот-технологиялари бўйича тарғиботчи**

Мамлакатимизда «Янги Ўзбекистон» сари қадам ташланди. Бу эса учинчи ренессанс даврига пойдевор қўйилаётганидан далолат беради. Учинчи ренессанс «Янги Ўзбекистон-янги давр» демакдир.

Айниқса, Муҳтарам Президентимиз янги даврнинг бошланиши ҳақида шундай деган эди:

«Янги Ўзбекистон» ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофидир. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш-учинчи ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон-кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас».

Дарҳақиқат, пандемиянинг ҳар қандай огир шароитда ҳам халқимиз метин ирода билан Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини яратишга дадил киришдилар. Бугунги кунда ривожланишнинг ҳар жабҳасида улкан яратувчилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир. Кейинги икки-уч йилда мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишлар, гўёки афсонага ўхшайди.

Ватанимиз юраги-пойтахтимизда, вилоят, туман ва қишлоқларида янгидан қурилаётган замонавий иншоотлар кишининг ақлини шоширади, ҳар биримизни том маънода айтиш мумкинки, ҳайратга солади, қалбларимизни тўлқинлантиради. Бугунги ёшлар-бахтли ёшлардир. Улар «Янги Ўзбекистон»нинг таянчидир. Президентимиз «Ёшлар форуми»да нутқ сўзлаб, мамлакатимизнинг бугунги келажак ворисларига жуда катта имкониятлар, шарт-шароитлар, иш ўринлари яратиб беришни, иқтидорлар сафини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифалар эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу борада иқтидорлар мактабларини кўпайтириш масаласига алоҳида тўхталди ва ёшларга қарата, -«Азиз фарзандларим! Халқимиз, Ватанимиз сизлардан буюк ишлар кутаётганини ҳеч қачон ёдингиздан чиқарманг! Юртнинг юксак ишончи ва умидини тўла оқлаш, унга муносиб бўлиш дунёдаги энг улуғ бахтдир. Шундай шараф барчангизга насиб этсин», деб айтган сўзлари-биз ёшлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

Президентимизнинг катта ишонч билан айтган бу сўзлари нафақат ёшларни, бутун халқимизни тўлқинлантириб юборди. Бизнинг «Баркамол авлод» болалар мактабида ҳам Президентимизнинг ана шу Ёшлар форумида сўзлаган нутқидан илҳомланиб, иқтидорларни кўпайтириш учун, тўгараклар сонини оширяпмиз. Ўтган йили мактабимизда 23 та тўгарак фаолият юритган бўлса, 2021 йил январь ойининг дастлабки кунидан 7 та янги тўгарак ташкил этдик.

Тўгаракларга чуқур билимга эга бўлган бой тажрибали, олий маълумотли мутахассис ўқитувчиларни жалб этганмиз. Биз яқин кунларда мактабларда ҳам «Баркамол авлод» мактабининг тўгаракларини очамиз. Қувонарли жиҳати, ҳар йили тўгарак ўқувчиларининг кўплари олий ўқув юртларига ўқишга киряпти. Халқаро анжуманларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Бу ерда Дилдора Боймуродова, Марҳабо Рўзиқулова, Жўра Раҳмонов, Бахтиёр Жўраев ва Марвар Отаниёзова сингари устозларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир.

# ЁШЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш, ўсиб келаётган ёшларда миллий армиядан фахрланиш ва унга бўлган ишонч, ғурур ҳиссини ошириш мақсадида тумандаги барча мактабларда бўлгани каби Шеробод туманидаги 42-сонли умумтаълим мактабида ҳам 2021 йил 13 январь куни «Ватанпарвар» ташкилоти Шеробод туман Ўқув спорт техника клуби билан ҳамкорликда «Арқон тортиш», «Тош кўтариш», «Куч синашиш» ва «Ҳаво милтиғидан ўқ отиш» спорт тадбирлари ўқувчилар ўртасида кўтаринки руҳда қизиқарли бўлиб ўтди.




Мактабнинг маънавий ва маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Шерали Султонов ва ёшларни чақириққа тайёрлаш бўйича ўқитувчиси Аҳрор Раҳмонов, «Ватанпарвар» ташкилоти Шеробод туман ўқув спорт техника клубидан Бош мутахассис Фарҳод Джавлиевлар тадбирни олиб борди. Тадбирда ўқувчилар фаол қатнашиб фахрли ўринларни эгаллашди.

Ўтказилган тадбир ва мусобақада фаол қатнашган ўқувчилар аниқланиб, фахрли ўринларни эгаллаган спортчиларни ва «Ватанпарвар» ташкилоти Шеробод туман ўқув спорт техника клуби томонидан диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ўтказилган мусобақа барчада катта қизиқиш уйғотганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Марҳабо ЙЎЛДОШЕВА, 42-сонли мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари**

# БИЛИМДОНЛАР МУСОБАҚАСИ



Ватан сўзига унинг муқаддаслиги эътироф этилиб, она сўзининг қўшиб айтилиши бежизга эмас. Она-Ватан, она замин, она табиат сўзларининг жамланмаси туғилиб ўсган, бизни улғайтирган, жаннатмакон юртимизни ифода этиб туриши ҳар биримизни ватанпарварлик ғоялари билан руҳлантириб бораверади.

Бу жиҳатларни фарзандларимиз онгу-шуурига сингдириб бориш эса биз ўқитувчиларнинг олдига масъулиятли вазифаларни юклаб бораверади. Бизнинг 46-сонли мактабда ҳам ёшларимизга таълим-тарбия бериш жараёнида улар қалбида ватанпарварлик ғояларини ўстириб бориш, юрт ҳимояси учун қўрқмас, кучли ва билимдон ўғил-қизлар бўлиб етишишлари учун кўплаб таълимий ва тарбиявий ишлар мунтазам олиб борилмоқда. Шунингдек, бу борада тадбир ва учрашувларнинг роли ниҳоятда муҳим бўлаяпти.

Куни-кеча 14 январь -Ватан ҳимоячилари байрами куни муносабати билан 10-11 синф ўқувчилари 2 та жамоага бўлиниб, билимдонлар беллашуви тадбирини ўтказишди.

«Лочин» ва «Бургут» номлари билан 3 та шарт бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишган қизиқарли беллашувда «Лочин» гуруҳи аъзолари ғолибликни қўлга киритишди.

Тадбирда иштирок этган ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳар икки гуруҳ аъзоларининг тадбирга пухта тайёргарлик билан келишганлигидан ниҳоятда мамнун бўлишди.

**Даврон ОМОНОВ, 46-сонли мактабнинг ЧТБГ ўқитувчиси**

# «НАВОИЙ” РОМАНИНИ ЎҚИБ...
## (Мутафаккир таваллудининг 580 йиллигига)

Хаёлан сайр этдим, ота богимда,
Ҳироту Қобул, кўҳна Машҳадни.
Ўқидим зўр асар улуғвор, нодир,
Ойбек бирла кездим, ўтмиш сарҳадни.

“Навоий “романин ҳар бет варағи,
Тафаккур зиёси бирла чароғон.
Олис асрлар ва талотум йиллар,
Кўксида акс этар мунгли дард, фиғон.

Жумлалар сўзлайди оҳиста, маъюс,
Дилимиз ўртайди, ўтмиш хабарлар.
Фитна-ю, фасоддан тебранар сарой,
Маст-аласт пишқирар беклар, амирлар.

Юрт ғами Навоий дилин ўртайди,
Тинчлик деб, бошида айланар минг ғам.
Бир ёнда қонида ижод тутайди,
Илгида тинмайди, тунда патқалам.

Бойқаро қилмиши қаролик бўлди,
Бори халқ юзтубан нафратга тўлди.
Армонли, аламли Баддиузамон
Дўсти не, ганим не гафлатда қолди.

Мўминни йўқотди ёвуз кимсалар,
Навқирон, ёш ниҳол гуноҳсиз сўлди.
Бобомиз ижодин ўқисак, ҳар гал,
Султоннинг армони ёдларга келди.

Шоирнинг қадди дол, дили ўт-олов,
Титроқдан сўзлолмас, ғазаби бедов.
Сўнгги сўз айтди-ю, шоҳга ниҳоят,
Кетди ижоди-ю, юрт, халқи томон.

“Навоий” китоби машҳури- олам,
Унда ранго-ранг калом, сўз бисёр.
Воқеа, ҳодиса армонли кунлар,
Ойбекнинг кўнглида туну-кун кезар...

Ўқидим “Навоий”романин севиб,
Мазмунин англадим- “мозийда юриб”

**Зебинисо БЎРИЕВА, Халқ таълими бўлими услубчиси**

ШЕРОБОД ҲАЁТИ

Бош муҳаррир: **Тўраназаров Эркин Турдиевич**

Масъул навбатчи- **Парда МУҲАММАДИЕВ**

**МУАССИС:** Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

«Шеробод ҳаёти» газетаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 11-февралдаги 11-075-сонли рақами билан рўйхатга олинган.

«Шеробод ҳаёти» газетаси ҳажми А-2 бичимда, 2 босма табоқ. «Шеробод ҳаёти» газетаси «Денов босмахонаси» МЧЖда чоп этилди. Манзил: Денов шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, № 247 уй.

«Шеробод ҳаёти» газетаси компьютер марказида терилди ва саҳифаланди Саҳифаловчи- **Шерали АЛИЁРОВ.** Матн терувчи- **М.АРОМИДДИНОВА**

**Манзилимиз:** Шеробод тумани, «Тароқли» маҳалласи. Телефон: 76-32-25-303

3500 нусхада босилди. Буюртма Г-31

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин